Ушбу сонда:
2 ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ИМКОНИЯТИ
3 БЕНЗИНФУРУШЛАР
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 ноябр, шанба № 182 (2023)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2005 йил 14-15 ноябр кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.***

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат президентлари турли соҳаларда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро ҳаёт муаммоларини муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили*

# ТОШКЕНТДА МАХСУС ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ



***Пойтахтимизда ақли заиф ва имконияти чекланган болалар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг II махсус олимпия ўйинлари бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар ва Миллий олимпия қўмиталари, «Sen yolg'iz emassan», «Меҳржон», «Соғлом авлод учун» ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.***

Унинг очилишида кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, меҳр-мурувватга муҳтож ва ногиронларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болалар спортини ривожлантириш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг қабул қилиниши айни соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан «Спешл олимпикс интернешнл» ташкилоти вице-президенти Хелен Макнаб хоним Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Халқаро мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар, жумладан, ногирон спортчилар қўлга киритаётган муваффақиятлар бунинг исботидир.

II махсус олимпия ўйинларида юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Россиядан келган 350 нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда. Улар спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, баскетбол ва футбол турлари бўйича икки кун давомида куч синашади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Қ.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида таъкидланганидек, ишни омилкорлик билан ташкил этаётган йирик ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамияти ана шундай истиқболли корхоналардан биридир.

Жорий йилда корхонада ишлаб чиқарилган цемент миқдори бир миллион тоннага етди. Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли қурилиш материали мамлакатимизда барпо этилаётган кўплаб иншоотларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бугун «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекэнерго», «Ўзавтойўл» дав-

## БИР МИЛЛИОН ТОННА ЦЕМЕНТ

лат акциядорлик компаниялари тизимидаги ўнлаб корхоналар Оҳангарон цементидан фойдаланмоқда. Бу маҳсулот айни пайтда хорижга ҳам экспорт қилинаётир. Ўтган ўн ой мобайнида қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон каби давлатларга умумий қиймати 2 миллион 414 минг АҚШ долларига тенг цемент' жўнатилди.

Корхонада бир кеча-кундузда уч-уч ярим минг тонна атрофида цемент тайёрланади. Германия ва ҳиндистонлик ҳамкорлар иштирокида ўрнатилган қадоқлаш линиясининг тўла қувват билан ишлаётгани буюртмаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш имконини бермоқда. Ички ва ташқи бозорда жуда харидоргир бўлган 500 маркали цемент ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши корхона мавқеини оширди, мижозлар сафини янада кенгайтирди.

Корхона жорий йилда бир миллион 100 минг тонна цемент ишлаб чиқаришни режалаштирган. Айни кунларда келгуси йилда маҳсулот етказиб бериш бўйича доимий мижозлардан буюртмалар қабул қилинаётир. Ишлаб чиқарилаётган цементнинг асосий қисмини биржа савдоси орқали сотиш режалаштирилмоқда.

*Тажриба, ташаббус*

# БОҒ ОРАЛИҒИДАГИ ЭКИН

## КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ

***Жиззах вилоятида сўнгги йилларда боғдорчилик ва узумчиликка эътибор ортмоқда. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг боғдорчилик ва узумчилик бўлими бошлиғи У.Шодмонов таъкидлаганидек, ҳудудда 7372 та боғ, 4028 та токзор мавжуд. Улардан олинаётган ҳосил йил сайин кўпаймоқда. Айниқса, боғдорчилик Бахмал, Ғаллаорол туманларида, узумчилик эса Фориш туманида ривожланиб бормоқда. Соҳа ривожини рағбатлантириш борасидаги омилкорлик ўз самарасини бераётир.***

Ҳозирда вилоятда ўн мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритаётир. Натижада ернинг ҳар бир қаричи тиллога тенг бўлиб бормоқда. Эндиликда фермер сердаромад экин экиш ҳисобига ердан янада унумли ва самарали фойдаланишни яхши билади.

Лекин сир эмаски, вилоятнинг чўл ҳудудларида пахта, ғалла етиштиришга мойиллик ўта кучли. Авваллари Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл, Зафаробод, Зарбдор каби чўл туманларининг ҳар бирида боғдорчиликка ихтисослашган хўжалик бўлиб, халқ тилида улар «садвин» хўжалиги деб номланарди. Эндиликда-чи?

Биз Пахтакор хўжалигидаги Х.Абдужабборов номли боғдорчиликка ихтисослашган (ҳозирда собиқ деса ҳам бўлади) хўжаликда бўлиб бугунги аҳвол билан яқиндан танишдик. «Олмазор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаршибоевнинг айтишича, хўжаликда 1200 гектар экин майдони бўлиб, бугунги кунда деҳқонлар асосан пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланишади. Мавжуд экин майдонлари 38 та фермер хўжалигига бўлиб берилган.

«FSP-K» фермер хўжалиги раҳбари Бобо ака Ғайратов қизиқ бир воқеани сўзлаб берди. Юқоридан келган бир гуруҳ мутасаддилар роса дала айланишиб, ёзнинг чилла иссиғида анча ҳоригач, бирпас тин олиш учун Бобо аканинг даласида тўхташди. «Бу меҳмонлар қўлига бир пиёла сувдан бошқа ҳеч нима тутқаза олмадим. Боғ орасига ҳам пахта экманимизда бундай бўлмасди», – дейди Бобо ака.

– Боғ ва токзорларни далаларимиздан қисиб чиқараётганимиз ҳақиқат, – гапини давом эттирди суҳбатдошим. – Хўжалигимизга қарашли жами 42 гектар экин майдонининг 5 гектарида эски боғ, 2 гектарида янги боғ мавжуд. Лекин биздан боғ оралиғига ҳам пахта экишни талаб қилишади. Очиғини айтганда, боғ оралиғига сабзавот, полиз маҳсулотлари экиб, гектаридан 1,5-2 миллион сўмгача нақд даромад қилиш ҳам мумкин. Бу билан эл дастурхони обод бўлишига ҳисса қўшган бўламиз, албатта.

Бобо ака Ғайратов ҳақ гапни айтди. Эл-юрт маъмурчилиги йўлида боғ оралиғидаги ерлардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин экан.

«Олмазор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «деҳқон хўжалиги» очиб фаолият юритаётганлар 46 тани ташкил этади. Қувонарлиси шундаки, уларга ажратилган ер майдонларида янги боғ ва токзорлар яратиляпти. Ана шундайлардан бири 76 ёшли Эгам ака Самадов бўлади.

Отанинг ҳовлисига кириб борар эканмиз, ҳаммаёқнинг саранжом-саришталигидан кўзимиз қувнади. Отахон турмуш ўртоғи Зайнаб момо билан 2 ўғил, 5 қизни тарбиялаб вояга етказди, уйли-жойли қилишди. Бир қучоқ невара-чеваралар даврасида бахтли ҳаёт кечиришяпти.

– Меҳнатда гап кўп, – дейди отахон, – бир умр ҳалол меҳнат қилиб кам бўлмадим. Невара-чевараларга ҳам шуни даъват қиламан.

Айтишларича, Эгам отага қарашли 1,5 гектар ер бўлиб, у тўлиқ боғ қилинган. Бу йил ана шу боғ орасига буғдой экилиб, 9 тонна ҳосил олинди. Сомони молга ҳашак.

Хуллас, оралиқ экиндан бу йил оила бюджетига 3 миллион сўмлик даромад келди.

– Узоқни кўзлаган киши кам бўлмайди, бўтам, – гап бошлайди ота. – Ернинг умрини беҳуда ўтказиш нонтепкилик билан баробар. Қолаверса, ер ҳам қарғайди. Боғ кўчатлари оралиғини 7x8 квадрат метр қилиб экканман. Шунда гектарига 200 туп кўчат жойлашади. Бунда кўчат оралиғига техникада ишлов беришда қулайлик яратилиши билан бирга оралиқ экинни бемалол экиб олаверасиз.

Ҳаётнинг ўзи ажойиб устоз. Унинг сабоғини олган киши асло хор бўлмайди. Жиззах вилоятида ҳам бундай омилкор миришкорлар кўп. Янги боғ ва токзорлар барпо этиш билан бирга улар оралиғидаги ерлардан унумли ва самарали фойдаланишга астойдил киришилган. Бу эса ўз навбатида халқимиз дастурхонини ноз-неъматларга тўлдириб, эл-юрт маъмурчилигига хизмат қилиш демакдир.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «МАДАД» - АЁЛЛАРГА КЎМАКДОШ

***Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида «Мадад» аёллар маркази фаолият кўрсатмоқда.***

- Асосий мақсадимиз хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга касб-ҳунар ўргатишдан иборат,- дейди марказ раҳбари Зумрад Кенжаева. - Бу борада биз давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик қиляпмиз.

Бу ерда аёллар тажрибали устозлардан зардўзлик ва тикувчилик сирларини ўрганмоқда. Уларга шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан стипендиялар таъсис этилган. Йил охирига қадар марказ кўмагида қарийб 90 киши касб-ҳунар эгаллайди.

Марказ қошида соғломлаштириш гуруҳи ҳам ишлаб турибди. Бу ерда турли сабабларга кўра соғлиғини йўқотган хотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

## ОЧИҚ ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Кимёгар» спорт мажмуасида Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб мамлакатимиздаги Олимпия захиралари коллежлари, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари жамоалари ўртасида юнон-рум кураши бўйича очиқ турнир ўтказилди. Унда ўндан ортиқ жамоа иштирок этди.

Муросасиз курашлар остида кечган мусобақалар Тошкент шаҳри полвонларининг умумжамоа ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Мезбонларга иккинчи ўрин насиб этди.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

***Газетамизнинг шу йили 24 сентябр сонида «Суд қарори ижроси нега таъминланмаяпти» сарлавҳали танқидий мақолада «Мадина траде» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мустақиллик берган имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда, яхши ниятлар билан иш бошлаганлиги, аммо қонун устуворлигини таъминлашда айрим мутасадди раҳбарлар масъулиятларини ҳис этмаганликлари боис тадбиркорлар овора-ю сарсон бўлаётганлиги ёритилган эди.***

***Ушбу мақола юзасидан таҳририятга жавоб хати келди. Жумладан унда шундай дейилади:***

# «СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ НЕГА ТАЪМИНЛАНМАЯПТИ»

«Мазкур мақолани ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди. Хусусан, бугунги кунда қарздор Данғара туманидаги «Супермаркет» фойдаланиб келаётган бино 1994 йил 28 сентябрдаги 4195-сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерига асосан Данғара тумани «Матлуботсавдо» очиқ акционерлик бирлашмасига қарашли эканлиги маълум бўлди. Қарздорнинг мол-мулкини қидириш учун тегишли ташкилотларга сўров хатлари юборилганда, унинг номига транспорт воситалари, жамғарма ва қимматбаҳо қоғозлар, суғурталанган мулклар расмийлаштирилмаганлиги аниқланди.

«Супермаркет»га хизмат кўрсатувчи ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Қўқон филиалининг 2005 йил 16 июлдаги маълумотномасида қарздорнинг ҳисоб рақамларида пул маблағлари йўқлиги ва картотекада 31 миллион 328 минг 298 сўм миқдорда қарзи борлиги кўрсатилган.

Юқорида баён қилинганларга кўра қарздор «Мадина траде» хусусий фирмаси фойдасига маблағни ундириш ҳақидаги ҳужжат суд ижрочилари Данғара туман бўлинмаси ҳамда суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бўлими томонидан доимий назоратга олинди ва амалдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Ундирувчи «Мадина траде» хусусий фирмаси раҳбари А.Турдиевга суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бўлими томонидан тегишли жавоб хати юборилиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди».

**Ш.НУРМАТОВ,**
**Фарғона вилояти ҳокими**

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда теледастурлар ва радио эшиттиришлар соҳасида радиочастоталар кўламини самарали қўллашни таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат қарорини бажариш доирасида радиочастоталарни тақсимлаш ҳамда теледастурлар ва радио эшиттиришлар соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Тошкент, Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Хоразм вилоятлари телерадиокомпания ҳамда студиялари телерадиодастурлар учун частоталарни тақсимлаш бўйича танловда ғолиб чиқди.

Мажлисда телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторинги натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиш ва қамров ҳудудини кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қатор аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

*Ўзбошимчалик*

# НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР

## шаҳар кўркини бузмоқда

***Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида янги, замонавий, ҳар томонлама қулай бино ва иншоотлар бунёд этилиб, аҳоли масканлари чирой очмоқда. Жорий йилда капитал қурилиш соҳасида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 350 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Ўтган даврда 325 миллиард сўмлик иш бажарилиб, ўнлаб маъмурий, маданий-маиший бинолар, мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари, болалар спорти мажмуалари фойдаланишга топширилди.***

Президентимизнинг «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ва «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида барпо этилаётган объектларни шаҳарсозлик талаблари даражасида амалга ошириш вазифалари белгиланган.

Вилоятда иморатлар қурилишини тартибга келтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Қарши шаҳри ва туманлар ҳокимликлари қошида ишчи гуруҳлари тузилган. Ноқонуний қурилиш объектларини аниқлаш ва зарурий тадбирларни амалга ошириш чоралари кўрилаяпти. Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан бу борада махсус қўлланма ишлаб чиқилган.

Улкан бунёдкорлик масканига айланган Қашқа воҳасининг гўзал ва обод бўлиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Шунга қарамасдан магистрал йўллар ва кўчалар, айрим ҳолларда чорраҳаларда шаҳарсозлик талабига зид равишда, истиқболли қурилиш режалари билан боғланмаган ҳар хил умумий овқатланиш тармоқлари, савдо дўконлари, сартарошхона ва бошқа объектлар қурилаяпти.

Кимларнингдир вақтинчалик манфаатларини кўзлаб барпо этилаётган бундай кўримсиз бинолар шаҳар қурилиши ва архитектура меъёрлари, инженерлик коммуникацияси, транспорт, санитария, ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаяпти. Шунинг билан бир қаторда кўчалар ҳуснига доғ бўлиб тушмоқда.

Аҳоли яшайдиган мавзеларда 855 та, республика аҳамиятига эга йўл атрофларида 419 та ноқонуний қурилишлар аниқланди. Уларни ўз ихтиёри билан бузиб ташлашни хоҳламаган жисмоний ва юридик шахсларнинг 239 тасининг фаолиятини ўрганиш ҳуқуқ-тартибот идоралари ихтиёрига ҳавола этилди. Огоҳлантириш хати берилганидан сўнг бундай объектларнинг 142 тасидан воз кечилиб, 44 тасининг кўриниши яхшиланди.

Юртбошимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоят марказининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишлари авж олдириб юборилди.

Бироқ айрим шахслар томонидан шаҳар ҳуснини бузадиган қурилишлар бунёд этилаётганлиги кишини ранжитади. «Шўртангаз» мулкдорлар ширкатига қарашли 7-миттитуманда 31 та уй бўлиб, 1717 та хонадон бор. Ҳақиқий аҳвол ўрганилганда, бу ерда яшовчи М. Сувонова, Ҳ. Бобомуродова, З. Раҳимовларнинг уйлари олдида режасиз дўконлар, тандирхона ва бошқа иморатлар мавжудлиги аниқланди. 16- ва 17-уйлардаги қўшимча айвонлар пасту-баланд, ҳар хил ёғочлардан тикланган. Вилоят марказида 200 дан зиёд ноқонуний қурилишлар борлиги маълум бўлди. Улардан 76 таси бузилиб, 27 та турар-жой эгаларига 570 минг сўм жарима қўлланилди.

Ўзбекистон кўчасидаги «Оқсарой» чойхонасининг ёзги ошхонаси айвони ва хўрандалар учун қилинган майдонча қурилиш чизиғидан ташқарига чиққан бўлиб, бу ерда санитария-ҳимоялаш ҳудуди ҳам барпо этилмаган. Ушбу иншоот архитектура режалаштириш топшириқномаси ва лойиҳа-смета ҳужжатларига эга эмас.

Фуқаро Улуғбек Салимовга тегишли савдо дўкони ва унинг айвони Насаф кўчасида жойлашган бўлиб, қурилиш чизиғини 3 метр четлаб ўтган. Санитария талабларига жавоб бермайди. Бунинг устига объектнинг лойиҳа ҳужжатлари йўқ.

Вилоятнинг Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари, Қамаши, Миришкор, Деҳқонобод туман марказларининг ҳолати кўздан кечирилганда пасту баланд дўкончалар, «қўлбола» умумий овқатланиш шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари пала-партиш қуриб ташланганлиги аниқланди. Айрим фуқаролар томонидан барпо этилган бундай биноларни қуриш учун газлаштириш, ичимлик суви, электр энергияси, ёнғин хавфсизлиги, йўл қурилиши, давлат санитария назорати идоралари томонидан рухсат олинмаган. Қамаши шаҳрида яшовчи Ф. Абдуллаев ва Ш. Бегимқулов тасарруфидаги иккита сомса пиширадиган тандир, А. Ҳасановга тегишли савдо дўкони олдида қурилган айвон бузилди.

Баъзи бир фуқаролар ичимлик суви ўтказаман ёки газ олиб бораман, деб асфальт йўлларни ковлаб ташлашади. Ўзбошимчалик туфайли табиий газ ва сув таъминоти қувурларига жиддий зиён етади.

Ҳамма нарсанинг ўз меъёри бор. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзларига берилган ваколат доирасида иш тутиб, лойиҳасиз қурилишларга рухсат бермасликлари ва бу соҳадаги меъёрий ҳужжатлар билан аҳолини таништиришлари керак. Қурилишлар Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодексига амал қилиниб, тегишли меъёр ва қоидалар асосида олиб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ИМКОНИЯТИ

***Абдужаббор ака одатдагича тонг саҳарда уйғонди. Елкасига тўнини ташлаб, томорқага ўтди. Шарқираб оқаётган анҳорда юз-қўлини ювди. Сўнгра, бостирма томонга кўз ташлаб, кўнглида нурланиш сезди. Дарахтлар орасидан мўралаб турган говмиш эгасини танигандек, қисқа овоз чиқариб, шарпа берди. Билдики, келини сигир соғишга тутинган. Беда ҳидидимоққа уфиради.***

Кўп ўтмай, ҳовлида сутнинг иликқина бўйи анқий бошлади. Қозиққа боғланган бузоқча онаси томонга талпиниб ўйноқлагани кўриниб турарди. Ўғиллари Жамолдин, Камолдинлар молхонада куймаланишарди. Бириси охурларга ем ташлаяпти, бириси кеча шолипоядан келтирилган похолни ғарамлаяпти. Уй бекаси ошхонада нонуштага ҳозирлик кўряпти.

Хуллас, ҳамма юмуш билан банд. Абдужаббор ака ҳам курсига сепараторни ўрнатиб, ишга шайланди. Сабаб, бозордаги буюртмачилар ҳадемай сут-қатиқ харид қилгани дарвозани қоқишлари тайин.

Оила дастурхон атрофига жамланди. Нонушта чоғи рўзғорда амалга ошириладиган бугунги юмушлар маслаҳати ҳам пишди. Жамолдин сўқимларни далага ҳайдаб, боқиб келадиган бўлди. Камолдин эса уйдаги рўзғордан ортган гўштни қассобга чиқаришини айтди. Келинлар ивитилган қатиқни мактаб буфетига етказиб беришларини билдирдилар.

Абдужаббор Узоқовлар оиласи Избоскан туман "Пахтабанк"дан кўтарилган имтиёзли кредит ҳисобига шахсий қўрасида хонадон чорвасини ташкил қилган тадбиркорлардан бири. Банк томонидан ажратилган 1 миллион сўмга яқин сармояга бозордан 3 бош қорамол харид қилинди. Уларни омухта ем билан таъминлашда туман ҳокимлиги ёрдам қўлини узатди. Қишлоқда "Андижонёғмой" ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда қорамол асраётган чорвадор оилаларга шрот, шелуха билан савдо қилувчи омухта ем дўконлари очилгани ҳам айни муддао бўлди.

Туман савдо-саноат палатаси, банк ходимлари уй меҳнатини ташкил қилувчи тадбиркорларга беминнат молиявий хизмат кўрсатаяптилар. Олинган кредит маблағларини мақсадли ишлатиш, бизнес режа тузиш, чорвачилик маҳсулотларига харидор топишда қишлоқ мулкдорларига кўмаклашаётирлар. Натижада биргина А. Узоқовлар хонадонида 3 та янги иш ўрни яратилди. Эҳтиёждан ортган чорвачилик маҳсулотларини бозорга чиқариб сотиш эвазига оила бюджетига сезиларли даражада даромад қўшилмоқда.

Айни кунларда қишлоқда оилавий меҳнат йўналишида 60 та хонадон фаолият юритяпти. Уларга 40 миллион сўмга яқин микрокредитлар ажратилди. Эътиборлиси, 80 нафар қишлоқ ёшлари ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилди. Тўхтасин Раҳимов кўчасида истиқомат қилувчи Мухтасархон Каримованинг қўлидан чиққан либослар замонавий дизайн, чокларининг бежиримлиги, кўркамлиги билан харидорлар ўртасида қўлма-қўл бўлган. Опахон маҳалладошларини қаноти остига олиб, кийим-бош цехи очишга орзуманда эди. Бироқ сармояси йўқлигидан ниятига етолмасди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори туфайли режалар амалга ошди. Мойгир қишлоқ фуқаролар йиғини банкка кафилликка ўтди. Қўлга ярим миллион сўмлик сармоя тегди. Хонадонидаги бўш ётган иморатларнинг бирига бозордан харид қилинган тикув машиналари ўрнатилди. Кредитдан мақсадли фойдаланиш юзасидан банк мутахассисларининг маслаҳатлари асқотди. Сармоянинг қолган қисмига савдо дўконларидан хом ашё сотиб олди. Игна ишидан хабари бор, қўли гул чеварларни маслаҳатга чорлади. Бугунги кунда кичик корхонада 12 нафар ўғил-қизлар ўз ўрнини топган. Эндиликда, янги ишхонада яратилган хушбичим кийим-кечаклар нафақат қишлоқ дўконлари, балки вилоят, водий бозорларидаги пештахталарда кўз-кўз бўлмоқда.

Юртбошимизнинг кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришга қаратилган Фармонлари, қарорлари мойгирликларнинг бошини осмон, кўксини тоғ қилди. Мойгир маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёвутдин Нуриддинов қувонч билан шундай дейди:

- Дарҳақиқат, илгарилари айрим соликчи, санитария-назорат ходимлари ҳокимият вакилларининг ишбилармонларга "қизиқиши" бўлакча эди. Бугун биров эшик тақиллатса, эртага бошқаси дарвозани қоқишарди. Хуллас, кўз очиришмасди. Арзимаган сабаб билан дўконлари ёпилиб, назорат идоралари остонасидан чорасиз сарғайган кўплаб тадбиркорларни биламан. Кўпдан-кўп ҳисобот топширишларнинг қисқартирилиб, бўлар-бўлмасга молиявий жарималарнинг қўлланиши энди барҳам топди. Кичик ва ўрта бизнес эгалари ниҳоят эмин-эркин фаолият юритадиган бўляптилар.

Раис қишлоқда тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлигини, аҳолини ўз-ўзини иш билан банд қилиш тизими изчил ривожланаётганлигини таъкидлайди. Бу ерда 12 минг фуқаро яшаб турипти. Улар 3553 та оила, 2000 та хўжалик рўйхатида қайд қилинган. Юридик мақом асосида иш юритаётган тадбиркорлар сони 25 нафарга, якка ишбилармонлар 7 минг кишига кўпайди. Шавкатжон Қўчқоровлар оиласи мебель тўпламлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. У айланма маблағдан самарали фойдаланиб, корхонани кенгайтира бориб, ҳам ўзининг, ҳам маҳалладошларининг рўзғорига барака киритяпти. Илгари кичик корхонада 8 нафар ишчи қўним топган бўлса, бугун бу ерда 20 нафар мойгирлик фарзандлар касб-ҳунар ўрганиб, маош оляпти. Улардан жовон, сандиқ, диван каби мебел тўпламларини харид қилгани ҳатто шаҳарликлар келяптилар. Устозодалар вилоят кўрик-танловларида ғолиблар қаторидан ўрин олишган.

Яна бир мисол. Неъматилла Иқболиддиновнинг асли касби сураткашлик. Суратхонани ўз номига хусусийлаштириб олгач, Андижон шаҳрида ҳам тижорат ишларини йўлга қўйди. Яқиндан бошлаб хўжалигида асалари парваришига киришди. Неъматилла меҳр-мурувват юмушларида бошқаларга ибрат. Фарзандлари қаторида оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган Лобархонни яқинда эл-юртга ош бериб, куёвга узатди.

Мойгирлик Исмоилжон Ўтбосаровнинг ойнаванд даласида эса йил ўн икки ой баҳор шовуллайди. Иссиқхонадан карсиллаган бодринг, помидор, яшил кўкатлар узилмайди. У ўзидан ошириб, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзяпти. Адҳамжон Тошболтаев 8 сотих иссиқхонада деҳқончилик қилади. Шу билан бирга маҳалла гузарини ёзин-қишин полиз маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туради. Оиланинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# ДАМ ОЛИШНИ БИЛАМИЗМИ?

***Меҳнаткашларни маънавий баркамол ҳамда соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг тутган ўрни беқиёсдир. Шу боисдан ҳам ушбу соҳани оммалаштириш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида спортни кенг омма ўртасида тарғиб қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.***

Бунинг натижасида етук, баркамол, номи элга танилган спортчилар етишиб чиқмоқда. Масалан, 2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтган олимпиадада чирчиқлик А.Штурбабин қатнашган бўлса, 2004 йил Афинада эркин кураш бўйича Дилшод Мансуров, дзюдода Эгамназар Акбаров, Мурод Қалиқулов, стол теннисида Манзура Иноятова, сузишда Сергей Цойлар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Бундан ташқари, кейинги йилларда жаҳон, Осиё ва Европа мусобақаларида 3 та олтин, 14 та кумуш, 21 та бронза медаллари қўлга киритилди.

Ўтган йиллар давомида вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда туман, шаҳар бўлимлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва қуйи жисмоний тарбия жамоалари томонидан ҳам анчагина ишлар қилинди. Рақамларга мурожаат этайлик. 2000 йилда 756 та қуйи жисмоний тарбия жамоалари бўлиб, уларда спорт билан шуғулланувчилар сони 57 минг 52 нафар ташкил этган бўлса, 2004 йилда жамиятга 58 минг нафар киши жалб этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг белгилаган тадбирларини амалга ошириш учун ҳар йили спорт мусобақалари, спартакиадалар ташкил этилмоқда. «Соғлом авлод», ва «Оналар ва болалар» йилида оилавий, «Қарияларни қадрлаш йили»да меҳнат фахрийлари, «Обод маҳалла йили»да болалар ўртасида мусобақалар ўтказилганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Бундай тадбирлар, айниқса, ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати, агросаноат мажмуи, автомобил транспорти ва йўл хўжалиги тармоқларида кутилган натижани бераяпти. Аҳамиятли жойи шундаки, иштирокчилар сони ҳам йилдан йилга ошиб бораяпти. 2000 йил ўтказилган тадбирларда 26 минг киши қатнашган бўлса, 2004 йили 39 минг киши жалб этилди. Давлат дастуридан ўрин олган «Алпомиш ва Барчиной» тест синовлари аста-секин аҳолининг қуйи қатламларига ҳам кириб бормоқда. Бу борада Чирчиқдаги «Кимёгар», Олмалиқдаги «Металлург», Бекободдаги «Металлург» спорт клублари, Паркент, Қибрай, Тошкент ҳамда Янгийўл туманлари, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Турли байрамлар арафасида кураш, Турон кураши, каратэ, таэквандо мусобақаларининг ўтказилиши анъанага айланмоқда.

Ҳар йили вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти соврини учун футбол биринчилиги, М.Ан, В.Федоров, Ф.Шокиров хотирасига бағишланган турнирлар ташкил этилмоқда. Оммавий спортга жалб этилганлар сони 46 минг кишидан ошди. Шуларнинг ярмидан кўпроғи 7 ёшдан 20 ёшгача бўлган болалардир.

«Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги республика Президентининг Фармони ҳамда Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори болалар спортини ривожлантиришда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда 9 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 3 мингдан зиёд фарзандларимиз спортнинг 23 тури бўйича шуғулланишмоқда. Жойлардаги спорт мактабларини сақлаб қолиш ҳамда уларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бекобод шаҳар 4-БЎСМга қарашли «Ёшлик» спорт мажмуи таъмирланиб, 7 миллион 800 минг сўмлик жиҳозлар олиб берилди. Бўка туманидаги ўйингоҳ қайта таъмирланди. Тошкент туманидаги БЎСМ 2 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Лекин, вилоятда оммавий спортни ривожлантириш, унга меҳнаткашларни жалб этиш борасида камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, ўтказилаётган спартакиадалар оммавийлиги кенг тус олмаяпти.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч« мухбири**

*Қарор ва ижро*

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА

## ҳар томонлама қулай, фойдали

***Бундан бир неча йил муқаддам мамлакатимизга янгилик сифатида кириб келган пластик карточка ўзининг қулай ва мақбуллиги билан мижозлар ишончини қозонмоқда. Тўловнинг замонавий усули банкдан ташқари нақд пул муамаласини тартибга солиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг мустаҳкам асоси ҳисобланади.***

Навоий шаҳрининг 10-миттитумани бозорида «Зулфия-Жавоҳир» савдо дўкони мижозлар билан гавжум. Харидорларнинг кўпчилиги бу ерда ўрнатилган терминал орқали тўловни пластик карточкалар билан амалга оширмоқдалар. Бундан беш ой муқаддам дўконда хизмат кўрсатишнинг янги усулига ўтилган эди. Эришилган натижалар ёмон эмас. Товар айланмаси 1,5 бараварга кўпайиб, харидорлар сони ортди.

Шаҳарнинг марказий деҳқон бозоридаги «Х.Тошев», «Навоий», 10-митти туманидаги «Д.Мухторов», «С.Ҳайтаров», «Ш.Султонова», «У.Саидов», Гулистон бозоридаги «Гулруҳ Алимова» савдо шаҳобчаларида фойдали молиявий воситадан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилганлиги истеъмолчиларга манзур бўлаяпти.

Бундай қулайликдан «Халқлар дўстлиги» кўчасида жойлашган Аэропорт кассаси, миттитуманлардаги «Нурдиёр», «Фитофарм», «Настер-Навоий» дорихоналари, Ғалаба шоҳ кўчасидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш фирмаси, «Сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти, «Роҳат Ҳайитова» китоб савдоси дўкони мижозлари ҳам тўлиқ фойдаланаяптилар.

Хатирчи туманидаги «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятининг 571 нафар ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўз пластик карточкаларга эга бўлдилар. Тумандаги «Боғчақалон», Шароф Рашидов номли, «Зарафшон», Мирзо Улуғбек, Пўлканов номли қишлоқ врачлик пунктлари, 69-умумтаълим мактаби, Навоий туманидаги иқтисод касб-ҳунар коллежи, Навбаҳордаги Учтут нафис санъат лицейи ходимлари ҳам тўловларни янги усулда олиб бораётганликларидан мамнундирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди. Ўтган даврда 20 та савдо, умумий овқатланиш, коммунал хизмат корхоналари, дорихона ва авиакассаларга терминаллар ўрнатиди.

Пластик карточка жуда қулай восита эканлигини кўплаб корхона ва ташкилотлар раҳбарияти тўғри англаб етган. Бундай мақбул усулдан «Навоийазот» очиқ ҳиссадорлик жамияти, Хатирчи пахта тозалаш заводи, Зиёвуддин темир йўли каби корхоналарнинг ходимлари иш ҳақи ва бошқа тўловларни амалга оширишда кенг фойдаланишмоқда. Банк томонидан жисмоний шахсларга берилаётган пластик картоякалар бепул тарқатилаётганлиги айни муддао бўлаяпти.

Ҳукумат қарорига кўра пластик карточка орқали хизмат кўрсатаётган савдо шохобчаларига қатор имтиёзлар берилган. Тўловни бу усулда олиб бораётган савдо тармоқларига харид қилинаётган товар айланмаси ялпи тушумнинг солиқ миқдори амалдагисидан 20 фоиз кам белгиланган. «Турон», «Жебатчи» савдо марказлари, 10-миттитуман ва «Гулистон» бозорларидаги савдо шоҳобчалари товар айланмаси кейинги икки ой ичида 11,5 миллион сўмга кўпайди.

Пластик карточкани ишлатиш қулайлиги – унинг эгаси ёнида пул олиб юрмайди. Савдо умумий овқатланиш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шоҳобчалари, уй-жой, ичимлик суви, газ, электр энергияси учун тўловлар, авиа ва темир йўл чипталари, меҳмонхона, ўқув-контракт, уяли алоқа ва алоқа бўлимларида кўрсатилган хизматларни ишончли молиявий восита орқали амалга оширади.

Ўтган даврда пластик карточка ҳисоб варақаларига 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ келиб тушган бўлса, унинг 50 миллион сўми тарқатилди. Бундай восита вилоятнинг бошқа тижорат банкларида ҳам йўлга қўйилган.

**Р.ЖУМАЕВ,**
**«Савдогарбанк»нинг Навоий вилоят бўлими бошлиғи**

***Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки VISA ELECTRON халқаро карталарида ўзбек сўмларида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берадиган қўшимча хизматни жорий этди.***

# ЯНГИ ХИЗМАТ: VISA ELECTRON

- VISA карталарининг имконият кўлами мунтазам ортиб бормоқда, - дейди Миллий банк пул айланмаси бош бошқармаси бошлиғи Л.Бодягина. - Биз мижозлар билан ишлашнинг янги шаклларини излаяпмиз. Мазкур хизматнинг кўрсатилиши миллий валютадаги нақд пулсиз чакана тўловлар улушини кўпайтириш имконини беради, бу эса ҳукуматнинг республикада нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган мақсад ва вазифаларига мос келади.

VISA карталари эгалари товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш, ҳисоб рақамидаги қолдиқ доирасида амалга оширилаётган транзакцияларни назорат қилиш, Миллий банк банкоматлари ва терминаллари тармоғида, келгусида эса VISA га аъзо Ўзбекистон банклари инфратузилмасида операцияларни бажариш имкониятига эга бўлади.

Миллий банк матбуот хизматининг маълум қилишича, чакана банк бизнеси жадал ривожланмоқда, ҳозирги вақтда банк республиканинг барча ҳудудларида 96 бўлимдан иборат тармоққа эга. VISA карталари бўйича нақд пулларни бериш барча вилоят бўлимларида амалга оширилади.

**(ЎзА)**

*Нукус шаҳридаги 2528-сонли автокорхона юк ташиш бўйича илғор корхоналардан бири ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва қўшни вилоятларга юкларни ўз вақтида етказиб беришда аҳил жамоанинг ҳиссаси катта. Ҳайдовчиларнинг ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши натижасида иш унумдорлиги кун сайин ошмоқда.*

*Жорий йилнинг тўққиз ойини корхона ишчи ва хизматчилари 155 миллион 436 минг сўмлик соф фойда билан якунлади.*

**Суратда: илғор ҳайдовчи Тожибой Бобожонов.**



**Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Меҳнат ва рағбат*

# ИШЧИЛАР ОШХОНАСИ

***Андижон биокимё корхонасида бугунги кунда 700 нафарга яқин ходим меҳнат қилмоқда. Корхона касаба уюшма қўмитаси ҳамда маъмурият ҳамкорлиги натижасида меҳнатга муносабат яхшиланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Энг аввало, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини кечиктирмасдан етказиб бериш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ўртача ойлик маош эса 75 минг сўмни ташкил этаётир.***

Яхши дам— меҳнатга ҳамдам. Шу боис меҳнат даргоҳида бунга алоҳида эътибор берилаётир. Жорий йилнинг ўтган даври давомида 120 нафар кўп болали, кам таъминланган ишчи-хизматчилар Жалақудуқдаги санаторийда даволанишиб, соғликларини тиклаб қайтдилар. 30 нафардан ортиқ ходимлар эса Чортоқ, Чимён, Ниҳол, Косонсой санаторийларида имтиёзли равишда дам олишди. Қолган ишловчилар ёзги мавсумда водийдаги энг сўлим гўшаларда бир неча кун мобайнида саёҳатда бўлиб қайтишди.

Шу йилнинг март ойида маъмурият ташаббуси билан меҳнат масканида кўп ўринли тиббиёт шохобчаси фойдаланишга топширилди. Барча шарт-шароитларга эга бўлимда 10 нафар беморга мўлжалланган кундузги стационар мавжуд. У хориждан келтирилган замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Бу ерда малакали врач ва ҳамширалар ишловчиларга намунали, беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Ҳар олти ойда барча меҳнаткашлар тўлиқ равишда тиббий кўрикдан ўтказиляпти.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш цехлари қошидаги дам олиш хоналари яқинда қайтадан таъмирдан чиқарилди. 200 ўринли шинам ошхона ишчилар хизматида.

Ишловчиларнинг кундалик эҳтиёжини қоплаш мақсадида маскан ҳудудида кичик кондитер цехи фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур цехда нон, пряник, макарон маҳсулотлари тайёрланиб, арзон нархларда сотилмоқда. Бундай қулайлик бозор иқтисодиёти шароитида жуда қўл келаётир. Ҳар йили ишчи—ходимларга махсус иш кийимлари, пойабзал берилади. Ушбу мавсумда бунинг учун 4 миллион 626 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Зарарли меҳнат шароитида ишловчи 120 нафар кишига 25 фоиз миқдорида қўшимча иш ҳақи тўланиши белгиланган.

Меҳнаткашларга кўрсатилаётган эътибор ва мустаҳкам ижтимоий ҳимоя туфайли корхонада иқтисодий ўсиш кўзга ташланяпти. Масалан, автомашиналарга зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «ЎзДонгЖу» қўшма корхонасига махсус хомашё — этил ацетат тайёрлаб берилаётир. Бундан ташқари, 70 фоизли тиббиёт спирти, йод каби зарур маҳсулотлар мижозларга етказиб берилаётир.

Хомашёни қайта ишлашдан сўнг ҳосил бўладиган қолдиқ авваллари ташлаб юбориларди. Энди у вилоятдаги кўплаб чорвачилик фермер хўжаликларига озуқа сифатида берилмоқда. Буғдой тозаловидан сўнг ҳосил бўладиган чиқинди эса паррандаларнинг хушхўр емиши сифатида сотилмоқда. Жорий йилда фаолияти йўлга қўйилган янги турдаги хомашё республикамиздаги кўплаб яхна ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлаётир. Қўлланаётган муҳим тадбирлар туфайли корхона буткул инқироздан чиқиб, иқтисодий ўсишга эришмоқда.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?*

# ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Ҳисобли дўст айрилмас, дейилади. Аммо Сирдарё вилоятидаги «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти шерикларига панд берди. Оқибатда корхона иқтисоди жарималар ҳисобига яна чўкди.

Ваҳоланки кўпдан буён ҳудуддаги аксарият хўжаликлар ушбу корхона билан ҳамкорлик қилишади. Сайхунобод туманидаги «Худойбердибой» фермер хўжалиги ҳам ана шу ҳиссадорлик жамияти билан 49 тонна ғалла етказиб бориш шартномасига имзо чекди. Енг шимариб астойдил ишлаган деҳқонлар баракали хирмон кўтаришди. Ҳосил тарозига қўйилганда мўлжалдагидек анча ортиқ, аниқроғи 58,7 тонна тош босди. Ўзаро келишувга мувофиқ топширилган ҳосил учун корхона 7 кун муддат ичида ҳақ тўлаши лозим эди. Бироқ амалда бундай бўлмади. Ғалланинг пулини то кузгача кутишга тўғри келди. Натижада бундай шерикдан тадбиркор қаттиқ ранжиди. Хўжалик судига даъво аризаси киритишга мажбур бўлди.

Судда ҳар иккала томон фикри эшитилиб, адолатли қарор қабул қилинди. Контрактация шартномаси талабларини бузган «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти «Худойбердибой» фермер хўжалигига 1 миллион 372 минг 831 сўм пения тўлайдиган бўлди. Корхона биргина мазкур мулкдорни алдамаган экан. Сирдарё туманидаги «Яхши ниятли юрт», «Рустамбек» фермер хўжаликлари ҳам судга ана шу маънодаги даъволар билан чиққанида маълум бўлди. Улар талаби ўрганилиб, тадбиркорлар фойдасига ҳал бўлди.

Корхона шерикларига панд бериб, жарима тўлаш оқибатида тобора ботқоққа ботиб бораяпти. Ахир тўлов вақтида амалга оширилмагач, яна нимани кутиш мумкин. Аммо бундан ҳали ҳануз хулоса чиқарилгани йўқ.

**Т.ТОЖИБОЕВ,**
**Сирдарё вилоят хўжалик суди судъяси**

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН

***Ўрта аср Шарқнинг улуғ шифокор олими Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиги халқаро доирада нишонланмоқда. Шу йирик санага бағишланган илмий тадбирларни ўтказишда Ибн Сино халқаро жамғармаси фаоллик кўрсатмоқда.***

Жамғарма ташаббуси билан Италияда ташкил этилган юбилей тадбири ҳам мазмунли бўлди. Унда жамғарма раиси, тиббиёт фанлари доктори Шуҳрат Эргашев бошчилигидаги ўзбекистонлик бир гуруҳ шифокор олимлар қатнашиб, буюк алломанинг бебаҳо илмий мероси ҳақида маърузалар билан чиқдилар. Шу санага оид бундай нуфузли илмий анжуман Германияда ҳам ташкил қилинди.

# СУВ КЕЛТИРМОҚ БАХТИ

Қизилтепа туманидаги «Қизилтепа насос станцияси» жамоаси шу йилнинг ўтган даврида хўжаликлар ва аҳоли учун 1,3 миллиард кубометр сув етказиб берди. Аму-Бухоро машина канали орқали келтирилаётган сув мазкур насос станцияси жамоасининг саъй-ҳаракати билан Шофиркон ва Харҳўр каналларига ташланади ва Бухоро вилоятининг Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент, Пешку, Ромитан, Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Кармана туманларини оби ҳаёт билан таъминлайди. Натижада 135 минг гектардан зиёд экин майдони суғорилади. Жорий йилда сув тақчиллигини сезмаган деҳқонлар пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олди.

- Биз учун куз-қиш мавсумида ҳам иш бир маромда давом этади,- дейди Давлат сув хўжалик назорат инспекциясининг Навоий вилоят бўлими инспектори Суюнбой Ҳамроев. - Чунки ҳудудимизда ерларнинг шўрини икки-уч марта ювмаса, мўл ҳосил олиш қийин. Буни тўғри англаган гидротехникларимиз деҳқонларга ўз вақтида узлуксиз сув етказиб беришга ҳаракат қилади. Бугунги кунда Навоий шаҳридаги «Жанубий саноат монтаж» бошқармаси қурувчилари Шофиркон каналига ташланадиган 5 километрлик сув қувурини реконструкция қилмоқда. Ҳозиргача қувурнинг бир километри таъмирланди. Келгуси йилда бу қувур тўлиқ таъмирланиб, хўжаликларни сув билан таъминлаш сифати янада яхшиланади. Шу билан бирга, тўртта агрегатнинг иккитаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, иккитасида ишдан чиққан эҳтиёт қисмлари алмаштирилмоқда.

Станция жамоаси алоқа тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда улар «Ўзсувасбоблойиҳа» ташкилоти билан ҳамкорликда станциялараро компьютерлаштириш ишларини йўлга қўйишга киришди. Келгуси йилдан станция жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган йирик иншоотга айланади. Бу эса гидротехниклар ишини анча енгиллаштиради.

# ҚАРЗНИ ҚАЙТАРИШ МАЖБУРИЯТИ

## Саволларингизга алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***Савол: қарз олувчининг олган қарзини қайтариш мажбурияти қонунчиликда қандай тартибда амалга оширилади.***

**М.ЗОҲИДОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

**Жавоб:** Фуқаролик кодексининг 735-моддасига мувофиқ қарз ва олинган қарз миқдори қарз шартномасида (келишувда) назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтарилиши шарт.

Агар қарзни қайтариш муддати шартномада белгиланмаган бўлса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қайтариши керак.

***Савол: қарз шартномаси юзасидан даъво талабнома ишларини юритиш мумкинми?***

**Т.ШОКИРОВ,**
**Қарши шаҳри.**

**Жавоб:** қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб қарз шартномаси юзасидан даъво қилишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъво қилиш мумкин эмас. Шартнома "алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш ёки бошқа қийин вазиятлар" таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъво жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олмаганлиги аниқланса, у ҳолда қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Ушбу қоидалар Фуқаролик кодексининг 737-моддасида белгилаб қўйилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, қарз шартномаси бўйича низолар, даъво талабнома ишларини юритиш фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқилади.

***Савол: юридик шахснинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги ҳақида тушунтириш берсангиз.***

**М.СУЛТОНОВ,**
**Урганч шаҳри.**

**Жавоб:** юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтда бошқа бировга етказган зарарини қоплайди.

Фуқаролик кодексининг 1001-моддасига асосан ўз ходимининг бошқа бировга (юридик шахс ёки жисмоний шахсга) етказган зарарини тўлаган корхона ёки ташкилот, тўланган маблағни айбдор ходимдан қайтаришни талаб қилиши (регресс) ҳуқуқига эга.

***Савол: Мен 1960-1995 йилларда туман алоқа бўлимида ишлаб, пенсияга чиққанман. Бизларга ўхшаш ишламайдиган пенсионерларга яратилган имтиёзлар хусусида билмоқчи эдик.***

**Т.ЖАББОРОВ,**
**Бахмал тумани, Наврўз алоқа бўлими**

**Жавоб:** умумий қоидага кўра, яъни "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг амалга киритилиши тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги қарорининг 8-бандига асосан ишламайдиган пенсионерларга қўшимча имтиёзлар ва қулайликларни корхона ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан белгилаш ҳуқуқига эга.

Жумладан, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши билан "Ўзбекистон почтаси" ДАК ўртасида 2003-2005 йилларга тузилган келишувга мувофиқ алоқа корхонасидан нафақага чиққан, ишламайдиган пенсионерларга ҳар йили Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 4 баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам пули берилиши назарда тутилган.



## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***Савол: мен мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари ҳамда 0,5 ставка (тарификация асосида) ўқитувчи сифатида ишлайман. 2003-2004 ва 2004-2005 ўқув йиллари учун 0,5 ставка ўқитувчилик дарсим учун меҳнат таътилига ва касаллик варақаларига ҳақ тўланмаслиги тўғрими?***

**Х.НАЗАРОВ,**
**Олмалиқ шаҳри**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва барча вилоятлар Халқ таълими бошқармаларига 1997 йил 13 июндаги 03-291-сонли тушунтириш хатида қўшимча дарс олиб ишлаётган ходимларнинг дарслари тарификациядан ўтса, уларга ишлаган дарс соатлари ҳажми ҳисобидан иш ҳақи тўланиши керак дейилган. Демак Сизга ҳам 0,5 ставкалик дарсингиз учун ҳақ тўлашлари керак.



## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

*Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Она ва бола» сиҳатгоҳи вилоятнинг сўлим масканларидан бири – Бешариқ туманидаги «Адиробод» боғдорчилик жамоа хўжалигида жойлашган. Ҳозирги замон меъморчилик услубида бунёд этилган мазкур иншоот кўркамлиги, дид билан жиҳозлангани диққатни тортади.*

*Бир вақтда 120 она ва боланинг ҳордиқ чиқариб, муолажа олишлари учун барча қулайликлар яратилган сиҳатгоҳда хизматлар бепул. 2200 метр чуқурликдан отилиб чиқаётган шифобахш булоқ сувидан, соф ҳавосидан даволанувчилар баҳраманд бўлмоқда. Бундан ташқари, шифо масканида оналар ва болаларнинг кўнгилли дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун етарли шароит яратилган.*

*Сиҳатгоҳ асосан ошқозон-ичак, буйрак, ўт пуфаги, пешоб йўли, болаларда учраб турадиган турли юқумли касалликларни даволашга ихтисослашган. Малакали тиббиёт ходимларининг хизматидан барча мамнун.*

***Суратларда: «Она ва бола» сиҳатгоҳи кўриниши; ҳамшира Оқила Раҳимбердиева.***

***Ш.ОЛИМОВ***
***(ЎзА) олган суратлар***

# ИШЛОВЧИЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММО

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***Савол: вилоят ҳокимининг қарори билан вилоят «Коммундренаж» ишлаб чиқариш корхонаси нодавлат мулкчилик шаклида барпо этилаётган ихтисослаштирилган дренаж ишларини бажарувчи пудрат корхонасига айлантирилди. Шу сабабли ходимларнинг меҳнат муносабатлари бошқа ишга ўтказиш йўли билан давом эттириладими ёки улар билан меҳнат шартномаси бекор қилиниб, янгидан ишга қабул қилинадими? Меҳнат кодексининг моддаси ва бандларини кўрсатиб тушунтириш беришингизни сўраймиз.***

**А.ЭРГАШЕВ,**
**Навоий шаҳри**

**Жавоб:** берилган саволнинг мазмунидан маълум бўладики, демак ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасидаги меҳнат шартлари ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 88-моддасига мувофиқ меҳнат шартлари дейилганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг жами тушунилади.

Ижтимоий омиллар жумласига меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг ва таътилнинг муддати ҳамда бошқа шартлар киради.

Техника, санитария-гигиенага оид, ишлаб чиқариш маиший ва бошқа шартлар ишлаб чиқариш омиллари деб ҳисобланади.

Меҳнат шартлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади. Меҳнат шартномаси иш берувчининг талаби билан меҳнат шароитларини ўзгартиришга Меҳнат кодексининг 89-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Бу муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.




Меҳнат Кодексининг 98-моддасига асосан корхона қайта ташкил этилганда, яъни қўшиб юборилганда, бирлаштирилганда, бўлиб юборилганда, қайта тузилганда, ажратилганда меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади. Бинобарин, корхона қайта ташкил этилганда илгари ишга қабул қилинган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг амал қилиши уларнинг розилиги билан сақлаб қолинади.

Демак меҳнат шартномасини давом эттириш истагини билдирган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзувлар киритилиши, яъни қайта тузилган корхонанинг номи ва унинг асослари ёзиб қўйилиши шарт. Бу ёзувларни ёзишдан олдин меҳнат дафтарчасини тўлғазиш ҳуқуқи берилган ходимнинг меҳнат дафтарчасидаги имзоси корхонанинг олдинги муҳри билан тасдиқланиши керак. Чунки корхонанинг янги муҳри олинганда унинг эски муҳри албатта ички ишлар бўлимига топширилади.

Корхона қайта тузилганда меҳнат муносабатларини давом эттириш истагини билдирмаган ходимларни нима қилиш керак, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бу ҳолда Меҳнат кодексининг 89-моддасини 4-қисмига амал қилган ҳолда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин ва ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

***Савол: агар ходимнинг меҳнат таътили дам олиш кунидан бир кун олдин тугаса, ходим ўртадаги бир кунда ишга чиқмаса, прогул ҳисобланадими?***

**Д.ИСМОИЛОВ,**
**Қарши шаҳри**

**Жавоб:** бу саволга жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 120,174,176,181 ва 182-моддаларига мурожаат қилиш зарур.

Меҳнат қонунчилигида иш вақти режими деганда ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатининг муайян календар даври, яъни сутка, ҳафта, ой ва шу кабилар доирасидаги тақсимоти тушунилади. Ходимлар учун иш вақти режими корхонанинг локал меъёрий ҳужжатларида, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, корхонанинг иш режимини инобатга олган ҳолда меҳнат шартномасида тарафларнинг ўзаро келишувига биноан белгилаб қўйилади. Бу иш режими бир томондан корхона зиммасидаги вазифалар бажарилишини, иккинчи томондан эса, қонун ҳужжатларида, локал меъёрий ҳужжатлар ёки меҳнат шартномасида ҳар бир ходим учун белгилаб қўйилган иш вақти муддатига риоя этилишини таъмин этмоғи керак.

Меҳнат кодексида иш ҳафтасининг иккита тури назарда тутилган булар қуйидагилар:

– икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси;

– бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси.

Иш вақтининг нормал муддати беш кунлик иш ҳафтасида ҳам олти кунлик иш ҳафтасида ҳам қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Ходимни корхона ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилмаслиги унинг меҳнат интизомини бузганлиги деб баҳоланади. Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир.

1)ҳайфсан;

2)ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3)меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари). Интизомий жазони қўллашда иш берувчи томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада содир этилганлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори, албатта ҳисобга олиниши зарур.

Келтирилгасssнларидан маълум бўлдики, ходимнинг сабабсиз бир кун давомида ишда бўлмаслиги унинг меҳнат интизомини бузганлиги ва прогул деб ҳисобланади.

### «Ишонч» фош этади

# БЕНЗИНФУРУШЛАР

***Шу кунларда республикамизнинг баъзи вилоятларида машиналар қатнови сезиларли камайди. Автобуслар тирбанд, айниқса шаҳарга қатнаб ишлайдиганларга қийин бўлди.***

— Ёқилғи қуйиш шохобчаларида сотилиши керак бўлган бензиннинг асосий қисми қўлга чиқиб кетгандан кейин машинани гараждан чиқармай қўйдим - деди автобусда шаҳардан қайтаётган ҳайдовчи.

Ёқилғи қимматлашган сайин бозордаги нарх-наво ҳам кўтарилиб кетди, суҳбатга қўшилади яна бири.

Аҳолини ташвишга солаётган бу муаммога ойдинлик киритиш мақсадида Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасининг коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши кураш бўлими мутасаддиларига мурожаат қилдик.

Уларнинг айтишича, ушбу қинғир ишларнинг бошида айнан шу соҳада ишлаб, тартиб-интизомга масъул бўлган мансабдор шахслар турган экан. Бу бўлимнинг шу йил октябр ойида ўтказган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш, ноқонуний равишда сотиш ҳолатларини аниқлаш тадбирлари натижасида ўз исботини топди. Масалан, Урганч шаҳар Рўзимат Ғойибов кўчасида яшовчи, «Ўзнефтинспекция»нинг Хоразм вилоят бўлимида технолог вазифасида ишловчи Қадам Жумабоев ана шундай ишга қўл урган. У Урганч шаҳар ва туманлараро нефт базаси унитар корхонаси омбор мудири Саттор Бобожонов билан жиноий тил бириктириб, уни амалга ошираётган пайтда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Ўша куни у 78117 сонли юк хати орқали «ГАЗ-52» русумли 22АС-302 давлат рақамли бензин ташиш машинасида 2740 литр А-76 бензинни ўзига тегишли бўлган Янгибозор туманидаги «Алҳам» масъулияти чекланган жамиятнинг ёқилғи қуйиш шохобчасига олиб бориб қуяди. Қ.Жумабоев ана шу ёқилғини Урганч туман Жалолиддин Мангуберди номидаги фермерлар уюшмаси 10-бўлимида яшовчи қариндоши Мақсуд Нурматовнинг уйига олиб бориб, идишларига бўшатаётганда тумшуғидан илиниб қолди. Мақсуд эса бу бензинларни устига «шапка» қўйиб, кўча ва йўлакларда бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетган бензинфурушларга узатиб тургани маълум бўлди. Устига-устак улар бензинга арзон нархдаги ёқилғиларни аралаштириб сотаётган экан.

Урганч шаҳрида «Қувайт» деб ном олган кўча бор. Бу ерда яшовчилар орасида бензинфурушлик билан шуғулланувчилар айниқса кўп. Текшириш ва кўрилаётган чораларга қарамасдан, улар ўз «касблари»ни асло тарк этишмаяпти.

Бўлим ўтказган тадбирларда бу ўз тасдиғини топди. Яъни ҳомийлар мададидан куч олиб, барқ уриб яшнаётган Қудрат Самандаров, Қудрат Ҳожиев, Бахтиёр Саидмуродовларнинг қинғир ишлари фош этилди.

Буни қарангки, «Тико» русумли миттигина енгил машинада 500 литргача бензин ташиш мумкин экан. Янгибозор туман марказида яшовчи Мурод Базирганов ўзининг 22К 48-21 давлат рақамли транспортида худди шунча миқдордаги бензин билан қўлга тушди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**


RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулк қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2005 йил 14 ноябрдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги мулклар қўйилаётганлигини маълум қиламиз.

*Ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган мулклар*

1.Қашқадарё вилоятида жойлашган «Ориент Стар Шаҳрисабз» («Шаҳрисабз сайёҳ») МЧЖнинг 24 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 59949,57 минг сўм.**

2.Тошкент вилоятида жойлашган «Ўзиртаъмирқурилиш» уюшмаси таркибидаги «Тошмелиосувқурилиш трести «7-сонли КМК» МЧЖнинг 10,0 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 15954,06 минг сўм.**

3.Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида жойлашган, «Шарқий Курама» ОАЖнинг «Маиший хизмат кўрсатиш комбинати».

**Бошланғич баҳоси – 24055,5 минг сўм.**

4.Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғида жойлашган, «Пахта нефт базаси» унитар корхонасига қарашли 82-сонли мой алмаштириш шохобчаси.

**Бошланғич баҳоси – 9165,8** АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес.-МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда.

*1-синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган улуш*

1.Сурхондарё вилоятида жойлашган «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидаги «Ангор пилла» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 14565,06 минг сўм.**

2.Тошкент вилоятида жойлашган «Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибидаги «Халқобод ВМУ» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 55350,83 минг сўм.**

*2-синф бўйича, яъни ҳар 10 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган улуш*

1.Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган «Ўзагромашсервис» уюшмаси таркибидаги «Қирққизободтаъминоттаъмир» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 15470,29 минг сўм.**

2.Бухоро вилоятида жойлашган «Ўзбектуризм» МКга қарашли «Варахша» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 109644,13 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www/rkmb.uz**

*Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*



## Существенные факты ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»

**ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 09**

Решение внеочередного Общего собрания акционеров.

Вид общего собрания - внеочередное;

Форма проведения общего собрания - очная;

Дата проведения внеочередного общего собрания акционеров - 28 октября 2005 г.;

Место проведения общего собрания акционеров - г. Ташкент, ул. С. Толипова (бывшая Мирзо Хайдара), д. 3;

Кворум внеочередного общего собрания акционеров - 81245 голосов 97,56%.

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним.

1. Перевыборы состава Ревизионной комиссии **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».**

**Проголосовали:** «ЗА» - 81245 голосов; «Против» - 0 голосов; «Воздержались» - 0 голосов.

**Решили:** Избрать в новый состав Ревизионной комиссии в составе 3 членов: Богачкина Л. Н., Евдокимова С. В., Васильева Н.С.

2. Утверждение аудиторской организации на 2005 г. и определение предельного размера ее оплаты.

**Проголосовали:** «ЗА» - 81245 голосов; «Против» - 0 голосов; «Воздержались» - 0 голосов.

**Решили:** Утвердить в качестве аудитора Общества в 2005 году, аудиторскую компания ООО «PROGRESS-2» и предельный размер оплаты её услуг не более 350 000 сум.

3. Утверждение Устава общества, Положение об акционерном обществе, Положение о ревизионной комиссии, Положение о Наблюдательном совете, Положение об исполнительном органе в новой редакции.

**Проголосовали:** «ЗА» - 81245 голосов; «Против» - 0 голосов; «Воздержались» - 0 голосов.

**Решили:** Утвердить Устава общества, Положение об акционерном обществе, Положение о ревизионной комиссии, Положение о Наблюдательном совете, Положение об исполнительном органе в новой редакции.

## Сообщение о раскрытии существенных фактах ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»

**Порядковый номер сообщения 10**
**Изменения в персональном составе должностных лиц.**

Орган управления эмитента, в котором произошли

изменения - Ревизионная комиссия;

Члены Ревизионной комиссия полномочия, которых

прекращены: - О.В. Большакова

Переизбран член Ревизионной комиссии: - Н.С.Васильева

Дата, в которой произошли изменения - «28» октября 2005г.

Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, является основанием указанных изменений - Внеочередное общее собрание акционеров, проведённое 28 октября 2005 г.



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## БАХТИЁРЛИКНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ

***Қадимги юнон мутафаккири Софокл эрамиздан аввалги 496-406 йилларда яшаган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Софокл 123 та драма ёзган бўлиб, шундан 7 таси бизгача етиб келган. «Шоҳ Эдип» ва «Антагина» асарлари Асқад Мухтор томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, ўзбек театр мухлисларининг ҳам мулкига айланган. Атоқли санъаткор Шукур Бурхонов Шоҳ Эдип роли билан жаҳон саҳна юлдузи даражасига кўтарилганди. Мана минг йилдирки, классик асар инсонлар қалбини жунбушга солиб, қойил қолдириб келяпти. Шунинг ўзи Софоклнинг кимлигини билдириб турибди.***

Серқирра ижод соҳиби, бетакрор истеъдод эгаси Софоклнинг ҳикматлари ҳам ибратлидир. Донишманд шундай дейди: «Кўп гапириш билан кўп айтиш, бошқа-бошқа нарса».

Ақл соҳиби бўлиш, кашфиётлар қилиш, ихтиролар яратиш имконини беради. Аммо янгиликлар осонликча, ўз-ўзидан қўлга киритилмаслиги аён. Зафарларнинг калити ҳам, муваффақиятларнинг гарови ҳам ҳаракат, кураш, машаққатли меҳнатдир. «Буюк ишлар

### *Ҳикматлар хазинаси*

бирдан қилинмайди» – деганда аллома мутлақо ҳақ бўлган. Бунинг тагида залворли меҳнатдан ташқари серқирра талант ҳам бўлмоғи керак. Ана шуларнинг ҳаммасига ақл-фаросат қўшилса олам гулистон. «Ақл, – деганда аллома, – шубҳасиз бахтиёрликнинг биринчи шартидир». Одамзот дунёга келибдики, бахтли ҳаёт кечиришга ҳаракат қилади ва маълум даражада бунга эришади ҳам. Зотан инсон ақлининг имкониятлари чексиз-чегарасиздир. У шамолни ўз йўриғига солиб тегирмонни юргизади.

Кечиримлилик – ҳислат. Босиқлик ҳам катта бойлик. Мана бу ҳақда аллома нима дейди: «Билмай хато қилиб қўйганларга унчалик ғазаб тўкмаслик керак». Ҳа, ҳаммада айб бўлиши мумкин. Доно халқимиз «Ҳар тўкисда бир айб» деб бекорга айтмаган.

Салбий иллатлар инсониятга доимо зарар келтирган. Нуқсонлардан азият чеккан. Шуларнинг ичида энг катта иллат қўрқоқлик. У одамларни мураккаб аҳволга солиб қўйиши мумкин.

«Юраксизларга, – деганди Софокл, – бахт ёр бўлмайди». «Қўрққанга қўш кўринади», – деган халқ нақлини эсга оладиган бўлсак, аллома ҳикматининг баҳоси тағин ҳам ошади.

Умуман, Софокл дурдоналари курраи заминнинг ҳамма бурчакларида азизу мукаррам эканлиги бежиз эмас. Ақл-тафаккурни қайраб то ҳануз инсонларга ўзлигини таниб олишда ўз хизматини пешкаш қилаяпти.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**профессор**



***"Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади". Юртбошимиз таъкидлаган ушбу сўзлар барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди. Хусусан, Поп туманининг Уйғур қишлоғидаги 7-, Чодак қишлоғидаги 20-, 50- мактабларда ҳамда бир қатор таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Гиёҳвандлик, тамаки чекиш инсон ҳаёти учун зарарли эканлигини қарийб ҳамма эътироф этади. Аммо бу офат илдиз отишда давом этмоқда. Нега шундай? Айнан шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш ходимлари тез-тез ўсмир-ёшлар ўртасида бўлиб, ушбу мавзуда мунтазам чиқишлар қилмоқдалар. Малакали врачлар томонидан 252 маротаба, ўрта тиббиёт ходимлари томонидан 2000 марта бўлиб ўтган суҳбатлар ҳамда семинарлар ўз натижасини бермоқда. Шунингдек, маҳаллаларда сил касаллиги, аср вабоси ҳисобланаётган ОИТС касалликлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан савол-жавоб кечалари ўтказилди.***

## БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

- Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилада тиббий маданиятни ошириш борасида ҳам амалий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда, - дейди туман марказий шифохонаси бош врачи Абдураҳмон Эргашев. - Мактабгача таълим муассасалари, мактаб ўқувчилари ҳамда якка тартибда ўқитилаётган ногирон, етим болаларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлар биркитиб қўйилган, ҳамширалар орқали соғломлаштирилмоқда. Кўк йўтал, бўғма, қоқшол, сил, қизамиқ, вирусли гепатит, ичбуруғ ва бошқа касалликларга чалинган болалар алоҳида парваришланмоқда.

Ушбу хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш учун бюджетдан 20 миллион 148 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Аҳолини тиббий маданиятини ошириш мақсадида ходимлар томонидан "Оилада тиббий маданият" ва "Сиҳат саломатлик" тиббий қўлланмалари жорий этилиб, суҳбат ва учрашувлар давомида 7 хил буклетлар тарқатилди. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан таъмирга муҳтож бўлган туғруқхона ва болалар бўлими шифо масканлари қайтадан замонавий таъмирланди. Бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан бу ерда тиббий асбоб-анжомлар харид қилинди.

Кам таъминланган оилада вояга етаётган ва ногирон болалар саломатлиги ҳам доимий назоратда. Булардан 92 нафари касаба уюшма ва ҳомийлар ҳисобидан болалар сиҳатгоҳлари ҳамда 790 нафари ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. Шунингдек, туғма нуқсони бор бўлган 292 нафар болалар республика Она ва бола скрининг марказига даволаш учун юборилди.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ИМТИЁЗЛИ СТИПЕНДИЯ

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Иқтидорли талаба ёшларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида жамият ўзининг махсус стипендиясини жорий этди.

Жамиятнинг Тошкент ахборот технологиялари университети билан яқин ҳамкорлиги инобатга олиниб, ушбу стипендияга шу олий ўқув юртидан номзодлар танланди. Жамиятнинг навбатдаги раёсатида ана шу масала кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорга биноан университетнинг беш нафар аълочи ва фаол талабаси нуфузли имтиёздан фойдаланадиган бўлди. Ғолиб толиби илмлар ахборот технологиялари, телекоммуникация тизимлари, радиотелевидение факультетларида таҳсил кўраётган ёшлар бўлиб, улар 2005-2006 ўқув йилида бундай имтиёздан фойдаланадилар.

*Премьера...*

## АНДИШАЛИ КЕЛИНЧАК

***Ўзбек халқи – болажон халқ. Тўй-ҳашамларнинг кўплиги ҳам мана шундан. Оила бўлгандан кейин унинг ўзига яраша аччиқ-тиззиқ гаплари-ю муаммолари ҳам бўлиб туради.***

... Оилага янги келин тушади. Аслида она ён қўшни қизни кўз тагига олиб қўйганди. Дард устига яна чипқон чиққанидек, аёлларнинг «келиннинг қачон кўзи ёрийди», «қачон бешик оласиз» қабилидаги гап-сўзлари ортиқчалик қилиб, қайнона тўнини тескари кияди. Икки ёшни тезда ажратиш пайига тушади. Оиланинг устуни-ота бу ишга рози бўлмайди. Аслида келинда айб топадиган нуқсон йўқ, андиша қилиб ҳомиладорлигини яширган эди, холос.

Дунёга янги келадиган, туғилажак гўдак оилани сақлаб қолади. Келиннинг сабр-тоқатлиги, чидамлилиги сабаб, воқеа яхшилик билан якун топади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган, таниқли драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Андишали келинчак» асарида ана шулар ҳақида сўз боради. Драматург ушбу асарни иқтидорли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметовага бағишлаб ёзган. Саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Мунаввара Абдуллаева, саҳна рассоми Акмал Жамолиддиновлардир.

Бир-бирига ўхшамаган ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шоҳида Исмоилова, Рустам Каримов, Муқаддас Ҳолиқова, Раъно Ярашева, Абдураим Абдуваҳобов, Зуҳра Ашурова ва бошқалар катта маҳорат билан ижро этмоқдалар.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## НАВОИЙ ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ

(Боши ўтган сонда)

Маълумки, Темур ўзига ўринбосарликни Пирмуҳаммадхонга васият қилган эди. Бу набира ўша вақтларда Қобил ва Ҳиндистонда ҳокимлик қилар эди. Темурнинг васиятига қарши Султон Халил Мирзо майдонга чиқиб, Самарқанд тахтини эгаллаб олади. Бу орада Туркистон ва Фарғонани бошқарган Амир Худойдод билан шайх Нуриддин унга қарши кураш олиб боради.

1406 йилга келиб Пирмуҳаммад ҳиёнаткор вазири Пирали Тоз томонидан қатл этилади. Халил Мирзонинг қўшинлари душманлар тўдаси билан тил бириктириши натижасида у ғанимлар қўлига асир тушади. Шундай қилиб Самарқанд тахти душманлар қўлига ўтади, талон-торожлик ҳукм суриб, хазина таланади. Мовароуннаҳр сарҳади ортиқ даражада оғир ҳолатга дучор бўлади. Шоҳрух темурийлар салтанати устига ташланган бу фалокат олдида томошабин бўлиб туришга ортиқ тоқат қилолмайди. У тезда Ҳирот тахтига ўтириб, Амир Худойдод ва Амир Нуриддинларга қарши улкан қўшин тўплаб Самарқандга юриш қилади. Амир Худойдод қўлга тушиб, боши кесилади ва Самарқанд Шоҳруҳ Мирзо қўлига ўтади. Шоҳруҳ Мовароуннаҳр подшоси қилиб 19 ёшли Улуғбекни тайинлайди. Бу билан мамлакатда бир қадар тинчлик ўрнатилгандай бўлади. Бироқ бу вазият ҳам кўпга чўзилмайди.

Шоҳруҳ ўз отаси Темур тарафидан яратилган империянинг парчаланиб кетиши мамлакатни катта фалокатга олиб келишидан қаттиқ ташвишга тушди. Шу боисдан Темурнинг Арабистон ва Суриядан бошқа ҳамма жойларини қайтариб олишга эришди. Лекин унинг ўлимидан кейин (1447) яна ўзаро тўхтовсиз урушлар шаҳарларнинг бирин-кетин қўлдан чиқишига сабабчи бўлди.

Улуғбек ўзига қарши кўтарилган қўзғолонни бостириш учун кетганда, Абусаид исён кўтариб, Самарқандни эгаллади. Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф Абусаидга қарши жанг қилиб Самарқандни қайтариб олди. Энди ўғил билан ота ўртасида тахт учун ўзаро кураш авжга минди. Улуғбек падаркуш ўғил томонидан ўлдирилгач, кўп ўтмай унинг ўзи ҳам (1450 йилда) жон таслим этди.

Энди ҳокимиятни Абдулло Мирзо эгаллайди. Бундай ўзаро қир-пичоқ бўлишлар натижасида мамлакат ва халқ ҳолдан тойди. Устига-устак Бухорода турган Абусаид пайт пойлаб Самарқандга катта юриш қилиб, Абдулло Мирзога шикаст етказиб, шаҳарга эгаликни қўлга олди. У Самарқанд билан кифояланмай, Ҳирот пойтахтида ўтирган Абулқосим Бобур Мирзога қарши кураш олиб борди. Шу тариқа Абусаид Мовароуннаҳрда, Фарғонада, Афғонистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Сўнг Озарбайжонга, Қорабоғга юриш қилиб, уч йилдан ортиқ вақт давомида жангу жадал қилди ва охир-оқибат ўз ватанидан узоқда ўлдирилди.

1468 йили Абусаиднинг ўлими хабари Ҳусайн Бойқаро қулоғига етгач, у осонлик билан Ҳиротни эгаллайди. Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар беришича, бу пайтларда Самарқандда бўлган амир Низомиддин Алишерни Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга чорлайди. Хуросонда бир қанча вақт нисбий сокинлик юзага келади.

Лекин Султон Ҳусайн Ҳирот тахтига ўрнашиб улгурмасданоқ, 1469 йилда унга қарши Шоҳрухнинг набираси Муҳаммад Ёдгор Мирзо Астрободда қўзғолон уюштиради. Ҳусайн Бойқаро Навоий билан бирликда Муҳаммад Ёдгорга қарши қўшин тортади. Бу орада сарой амалдорларининг ярамас ҳаракатларидан түйган халқ қўзғолон кўтаради. Бу шум хабар етиб келгач, Ҳусайн Бойқаро Навоийни Ҳиротга юборади. Адолат қарор топади, халқнинг талаблари қондирилади, гуноҳкорларга жазо берилади ва тинчлик ўрнатилади. Афсуски, бир оз вақт ўтмай Ҳиротда қўшин бошлиқлари хиёнат кўчасига кирадилар. Ҳусайн Бойқаро ҳамда Навоий Ҳиротни ташлаб чиқишга мажбур бўлади. Муҳаммад Ёдгор Ҳиротга киради, бироқ Навоийнинг тадбиркорлиги туфайли Ёдгор қўлга олиниб, маҳв этилади.

Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас эди. 1470 йилда Балхда Аҳмад Муштоқ ака-ука Султон Аҳмад, Султон Маҳмудлар билан тил бириктириб, фитнага бош қўшади. Ҳусайн Бойқаро ва Навоий яна исёнчиларга қарши уруш қилишга мажбур бўлдилар. Ўша йилларда Абубакр Афғонистонда халқни қўзғолонга даъват этади, бироқ Навоийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу кўтарилишлар ҳам ўз вақтида барҳам топди.

1490 йилда Навоийдан кейин Астробод ҳокимлигида турган амир Мўғул давлатга қарши бош кўтариб чиқади. Бу гал ҳам Навоийнинг аралашуви тақозо этилади. Сўнгра Балхда Дарвиш Али қўзғолон кўтаради. Дарвеш Али тутилади, лекин Навоийнинг иниси эканлиги инобатга олиниб, қўйиб юборилади.

1490 йилнинг бошида Султон Ҳусайн Ҳисорда Султон Маҳмуд билан жангга киришади. Бу урушда Бойқаронинг Астрободда ҳокимлик қилиб турган ўғли ҳам иштирок этади. Ҳисор қўлга киритилгач, у ерга Бадиуззамон қўйилади. Астрободга эса Мўмин Мирзо эмас, балки Музаффар Мирзо ҳоким қилиб тайинланади. Бунинг натижасида Ҳусайн Бойқаро билан Бадиуззамон орасида узоқ вақт низолар, ҳарбий тўқнашувлар юзага келади. Навоий бу ҳолатга тинчлик билан эришиш йўлини кўзлайди ва уни сиёсий йўл билан эпақага келтиролмай, ҳатто йиғлаш даражасига ҳам боради. Ниҳоят, 1497 йилда Бадиуззамон қари отасига қарши қин суриб, кўп талофат ва вайроналарга сабабчи бўлди. Бу фитна-фасодлар қоришиғида Музаффар Мирзо Бойқаронинг набираси бўлмиш Мўмин Мирзони қатл эттирди. Шундан кейин Бадиуззамон Муҳаммад Мўмин учун ўч олиш мақсадида Бойқарога қарши куч тўплаб урушга кирди. Натижада 1499 йилда Бойқаро ўғли Бадиуззамон билан битим тузишга мажбур бўлади. Баъзи ерлар Бадиуззамоннинг қўл остига ўтади. Шундай қилиб мамлакат дам сайин заифлашиб боради.

**М.НАЗАРОВ,**
**филология фанлар номзоди**

(Давоми бор)



## ГЕРМАНИЯДА СУДЬЯ ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНАДИ?

*Биласизми?*

***Германияда судьялар Федерал ва Федерал ер судлари хизматида бўлиб, уларнинг фаолияти ва ҳуқуқий мақомлари махсус қонунлар билан тартибга солинади. Федерация суди микёсидаги бундай қонун «Судьялар тўғрисидаги немис қонуни» деб номланади.***

У тўрт қисм, 126 та моддадан иборат бўлиб, унда лавозим турлари, судьяликка тайинлаш, озод этиш, унинг мустақиллигини таъминлаш каби қоидалар белгиланган.

Германия давлат хизмати тизимида аниқ белгиланган тўрт тоифада: оддий, ўрта, юқори ва олий мансаб даражалари мавжуд. Судьянинг мансаби олий ҳисобланади. Қонуннинг 8-моддасига биноан шахс умрбод, вақтинча, синов муддати билан ёки топшириқ бўйича мажбуриятни бажарувчи каби лавозимларга тайинланади.

Шахс Германия Федератив Республикаси Асосий Қонунининг 116-моддасига биноан немис ҳисобланса, унга мувофиқ ҳолда эркин демократик конституцион тузумни ҳамиша ҳимоя қилиш юзасидан ҳеч қандай шубҳа қолдирмаса ва мансабни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда судьялик хизматига тайинланиши мумкин.

Германияда бу мансабни эгаллаш ҳуқуқини олиш учун бир қанча поғоналардан ўтиш керак. Жумладан, у дастлаб мамлакатдаги бирор университетда илмий ҳуқуқий маълумот олиши, биринчи давлат имтиҳонини топшириши, бевосита хизмат тайёрлов стажировкасини ўташи ва шундан кейин иккинчи давлат имтиҳонини топшириши талаб этилади. У икки босқичда, аввал ёзма, кейин оғзаки тарзда топширилади.

Бевосита хизмат тайёрлов малака курсларининг мажбурий ва ихтиёрий турлари мавжуд бўлиб, у икки йил давом этади. Шахс умумий фуқаролар судловига тааллуқли ишларни кўрувчи, жиноят ишлари бўйича суд ёки прокуратура, бошқарув соҳасидаги муассаса ҳамда адвокатуранинг ҳар бирида уч ойдан кам бўлмаган муддат давомида мажбурий малака ошириши шарт.

Бевосита хизмат тайёрлов давомида умумий муддати уч ойгача бўлган ўқув курслари ўтказилади. Унинг аниқ тартиби муайян Федерал ер қонунчилиги билан белгиланади. Бирор Федерал ерда ушбу талабларни бажарган шахс Федерал суд ёки ихтиёрий судьялик лавозимига ўз номзодини қўйиши мумкин. Қонуннинг 7-моддасига кўра, университетда доимий ишлайдиган ҳуқуқ бўйича ҳар қандай профессор тегишли ҳудуддаги судьялик лавозимини эгаллашга ҳақли. Даъвогарнинг лавозимга ўтиш юзасидан берган аризаси бўйича қарор тегишли Федерал ер (уларнинг сони Германияда 16 та) адлия вазири томонидан қабул қилинади. Ушбу қарорга асосан судья дастлаб синов муддати билан тайинланади. У бу даврда розилиги олинмаган ҳолда бошқа ишга ўтказилиши ёки лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Агар шахс уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида судьялик хизматида ишлаган бўлса, аниқ бир суддаги доимий ўринга ўтиш учун ариза бера олади. Ариза қаноатлантирилгандан сўнг Федерал ер адлия вазири уни умрбод судьялик лавозимига тайинлайди. Ушбу муддатни ҳисоблашда шахснинг Қонунда қатъий белгиланган бошқа иш фаолиятлари ҳам инобатга олинади. Умрбод судьялик лавозимини олган шахс фавқулодда ҳоллардагина розилиги олинмасдан бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Умрбод ёки вақтинчалик мансабдор — давлат хизматчиси мақомидаги шахс, агар кейинчалик унинг умрбод судьялик лавозимида ишлаши лозим, деб ҳисобланса, топшириқ бўйича мажбуриятни бажарувчи лавозимига тайинланади. Бунда улар икки йилдан кечиктирилмасдан умрбод судьяликка тайинланади ёки номзод сифатида танловга киритилади.

**Р.ЖЎРАҚУЛОВА**
**тайёрлади**

## ЖИМ ТАБАССУМ

*Опаси тўрт яшар синглисига китоб ўқишни ўргатмоқчи бўлди.*

*– Йўқ, мен телевизорда кино кўраман, – деди синглиси.*

*– Вой, бу фильм катталар учун-ку! Дадам уришиб берадилар.*

*– Нега уришар эканлар? Дадам «Ну, погоди»ни кўрганларида биз уришмаймиз-ку!*

* * *

*Ўқитувчи:*

*– Отанг онангга ўн минг сўм беради. Кейин тўрт минг сўмни қайтариб олади. Хўш, Тошмат, айт-чи, кейин нима чиқади?*

*Ўқувчи:*

*– Жанжал чиқади.*

* * *

**– Кўрдингми, бу қизча ҳали бир ёшга тўлмаган бўлса ҳам ўқишни билади.**

**– Унда нега у китобни индамасдан варақламоқда.**

**– Чунки у ўқишни билади-ю, лекин ёш бўлгани учун ҳали гапиролмайди.**

* * *

*Қорни жуда очган меҳмон уй эгасининг ўғлидан секингина сўради:*

*– Сизлар одатда қачон овқатланасизлар?*

*Бола жавоб беради:*

*– Ўзимиз соат бирда, аммо уйда меҳмон бўлса, у кетгунча сабр қиламиз.*

* * *

**– Бир сутка неча соатдан иборат?**

**– Йигирма уч соатдан.**

**– Ие, нега?**

**– Кеча ўзингиз кунлар бир соатга қисқарди деб айтдингиз-ку!**

* * *

*– Жим! - дейди ўқитувчи. – Овоз чиқармай ўтиринглар. Пашша учгани билинсин.*

*Болалар жим бўлиб қолишди. Ниҳоят, ўқувчилардан биттаси чидаб туролмай қичқирди.*

*– Нимани кутяпсиз, домла! Қўйиб юборинг пашшани!*

* * *

**– Дада, бугун ўқитувчимиз айтдики, биз ҳаммамиз ернинг тортиш қонуни сабабдан ер устида юрарканмиз. Шу тўғрими?**

**– Ҳа тўғри, ўғлим.**

**– Ундай бўлса, бу қонун кашф этилишидан аввал одамлар қандай юришган?**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 7252 Буюртма Г— 116

E-mail: ishonch@mail.ru

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.